
**THE POPULATION, ETHNIC COMPOSITION AND LOCATION
OF THE TERRITORY OF ANCIENT FERGANA. ETHNIC CHANGES
DURING THE KOKAND KHANATE.**

**ETHNIC COMPOSITION AND LOCATION OF THE POPULATION
OF THE TERRITORY OF ANCIENT FERGANA. ETHNIC CHANGES
DURING THE KOKAND KHANATE.**

Shahodat Abdukakhkharovna

Kokand State Pedagogical Institute, Faculty of History,
Ruzmatova A teacher at the Department of History
tel .: 90 566 88 81

Annotation: This article presents some information and opinions about the ethnic composition and location of the population of the Fergana region from ancient times to the end of the 19th century, based on the works of local, Russian and foreign travelers and scientists.

Keywords: Selungur, apasiaki, dahatukhary, usuni, guns, korlik, chigil, ogiz, ming, yuz, kirk, zhalair, naiman, sart, turk, mongol, kipchak, kalmik, uzbek, tajik, kozok, dungan, kirgiz, Islomov, Skyler, Vamberi, Shaniyazov, Khuzhand, Andijan, Karategin.

**ҚАДИМГИ ФАРҒОНА ҲУДУДИ АҲОЛИСИ, ЭТНИК
ТАРКИБИ ВА ЖОЙЛАШУВ ЎРНИ. ҚЎҚОН ХОНЛИГИ
ДАВРИДАГИ ЭТНИК ЎЗГАРИШЛАР.**

**ЭТНИЧЕСКИЙ СОСТАВ И РАСПОЛОЖЕНИЕ НАСЕЛЕНИЯ
ТЕРРИТОРИИ ДРЕВНЕЙ ФЕРГАНЫ. ЭТНИЧЕСКИЕ
ИЗМЕНЕНИЯ ВО ВРЕМЯ КОКАНДСКОГО ХАНСТВА.**

Шаходат Абдукаҳхаровна

Қўқон давлат педагогика институти Тарих факультети,
“Тарих” кафедраси ўқитувчиси Рuzматова
тел.: 90 566 88 81

Аннотация: Ушбу мақолада қадимдан, XIX аср охирларигача бўлган давр мобайнида Фарғона худудида яшаган аҳоли, унинг этник таркиби ва жойлашув ўрни тўғрисида маҳаллий, рус ва чет эл сайёҳ, олимлари асарларига таянган ҳолда баъзи маълумотлар, фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: Селунғур, апасиаклар, дахатўхарлар, усунлар, хунлар, қорлик, чигил, ўғиз, минг, юз, қирқ, жалоир, найман, сарт, турк, мўғул, кипчок, қалмиқ, ўзбек, тожик, қозок, дунган, қирғиз, Исломов, Скайлер, Вамбери, Шониёзов, Хўжанд, Андижон, Қоратегин.

Аннотация: В данной статье представлены некоторые сведения и мнения об этническом составе и местонахождении населения Ферганской долины с древнейших времён до конца XIX века, основанные на трудах местных, российских и зарубежных путешественников и учёных.

Ключевые слова: Селунгур, апасиаки, дахатухары, усунь, гуны, корлик, чигил, огиз, минг, юз, кирк, жалаир, найман, сарт, турк, монгол, кипчак, калмик, узбек, тажик, козок, дунган, киргиз, Исломов, Скайлер, Вамбери, Шаниязов, Хужанд, Андижан, Каратегин.

Фарғона водийси “Ўрта Осиё жавоҳири” деб бежизга айтилмаган, чунки у инсоният тараққиётининг барча босқичларини босиб ўтган қадимги, кўҳна худуддир. Ватанимиз худудида яшаган илк инсоннинг Фарғона водийси Сўх тумани Селунғур ғоридан топилганлиги бунинг яққол исботи ҳисобланади. Водийнинг гўзал табиати, серунум ерлари, сувларга бойлиги қадимдан, асрлар давомида халқларни ўзига жалб қилиб келган.

Тарихдан биламизки, Фарғона водийси худуди хитой манбаларида Давань деб номланиб дастлабки ўтроқ аҳолисини саклар(апасиаклар, дахатўхарлар) [1:16] ташкил этганлар. Сирдарё бўйлари эса қадимги қавмларнинг ҳаёт маконларига айланган. Бу худуд аҳолиси кейинчалик доволликлар деб номланган.

Фарғона худудида милоддан аввалги 2 мингйилликлардаёқ деҳқончилик маданияти ўта тараққий эта бошлаган. Милоддан аввалги II-I асрларда эса илк давлатчилик тизими мавжуд бўлган [2:49].

Хитойлик сайёҳ Чжан Цяннинг Давань давлатида аҳоли ўтроқ ҳаёт кечириши, деҳқончилик, боғдорчилик, хунармандчилик билан шуғулланиши, бу худудда 70дан ортиқ катта ва кичик ўзига тўқ шаҳарларнинг мавжудлиги [3:125] ҳақида маълумот бериши Фарғона водийсининг қадимги цивилизация ўчоқларидан бири эканлигидан далолат беради.

Юқорида келтирилган 70 дан ортиқ шаҳарларнинг бири Кўкон эканлиги шубҳасиздир. Мустақилликдан сўнг Ватанимиз тарихини реал фактлар асосида ҳаққоний

ёритиш Биринчи Президентимиз И. А. Каримов томонидан долзарб, асосий вазифа этиб белгиланди. Ушбу вазифага мувофиқ бир неча тарихчи олимларимиз изчил тадқиқотни бошлаб юбордилар. Жумладан, бир гуруҳ археологлар Қўқон ва унинг атрофидаги бир қатор ҳудудларда археологик қазилмаларни олиб боришди. Натижада А. Анорбоев бошлиқ бир гуруҳ олимлар бугунги Қўқон шаҳри ҳудудининг ўзлаштирилиши даврини м.авв. IX аср охири-VIII аср бошлари деб белгиладилар. Ушбу тадқиқот натижалари 2014 йилда "Археологические исследования в г. Коканде и его окрестностях" номли китобда [4:84] чоп этирилган.

Қадимги Фарғона ҳудуди маҳаллий аҳолиси ва бу ҳудудга келиб ўрнашган қавмлар тўғрисида бироз фикр юритадиган бўлсак, Амударё ва Сирдарё оралиғида унинг шимоли-шарқий ва қисман жануб тарафларида қадимдан истиқомат қилган саклар, массагетлар, тохарлар, қанғиллар, узлар ҳамда усунлар ўзбек, туркман, қозоқ ҳамда қирғиз халқларининг узоқ аجدодлари ҳисобланган [5:372]. Милoddан аввалги I асрда Фарғона водийсига туркий қабилалар-усунлар ва хунлар келиб қўшила бошлаганлар. Бу этник гуруҳлар милодий I-IV асрларда Фарғона ҳудудида сон жиҳатидан бирмунча кўпайган [3:126] ва ушбу ҳолат ўз навбатида хунлар ва усунларнинг маҳаллий аҳоли билан ассимиляция жараёнларига киришиб турмуш тарзи ўтrockлашиб борганлигидан далолат беради.

VI асрнинг 2-ярмидан бошлаб бутун Ўрта Осиё ҳудудларини Турк ҳоконлиги ўз тасарруфига киритади, натижада Сирдарёнинг ўрта оқимларида сўғд-турк этномаданияти вужудга кела бошлайди [6:383]. Ана шу аралашувлар натижасида илк ўрта асрларда ўзбек ва тожик элатлари вужудга кела бошлаган.

VIII аср бошларидаги араб истилосидан сўнг мамлакатимиз ҳудудига кириб келган арабларнинг кўпгина қисми турғун яшаб қолган. Бунга бугунги кунимизда Фарғона ҳудудида учрайдиган Араб, Эски Араб ва шунга ўхшаш номли қишлоқларнинг мавжудлиги ҳам исбот бўла олади.

X аср охири-XI аср бошларида қорахонийлар билан бирга Олтой, Еттисув ва Шарқий Туркистондан Мовароуннаҳрга кўчиб келган бир талай туркийзабон қабилалар (турғашлар, тўхсилар, қорлиқлар, чигиллар, ўғизлар, арғин ва б.) [5:199] ўлканинг шарқий эрон ва турк тилларида сўзлашувчи аҳолиси таркибини этник жиҳатдан бойитди. Шу тариқа ўзбек халқи қорахонийлар даврида тўла шаклланиб ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланди.

Карим Шониёзовнинг асарида Фарғона тўғрисида Истахрий берган маълумотларидан парча келтирилади, унга кўра IX-X асрларда Фарғона водийсида турғун яшовчи аҳоли 1.5 миллионни, кўчманчи ва ярим кўчманчи қавмлар сони тахминан 0.5 миллионни [3:193] ташкил этганлиги тўғрисида айтилади. Ва яна қишлоқларнинг кўплиги жиҳатидан Мовароуннаҳрда Фарғонага тенг келадигани йўқ дейилади. Бу, албатта, ўз

ўрнида Фарғона географик жиҳатдан ва яшаш учун қулай шарт-шароитга эга эканлигидан, ўз худудида кўплаб қавмларни бирлаштира олганлигидан далолат беради.

XIII аср бошларида Ватанимизга Чингизхон кўшинидаги мўғуллар билан бирга турклар ва турклашган мўғуллар (қорлиқлар, тоторлар, жалоирлар, маркитлар, қурловутлар, буркутлар, қўнғиротлар, барлослар, сулдуслар, боёвутлар, бахринлар ва б.) ҳам кириб келди [5:199]. Шу тариқа туркий қавмлар сони худудимизда ортиб борди.

XV аср охири-XVI аср бошларида Дашти Қипчоқ худудларидан Шайбонийхон бошлиқ кўчманчи ўзбек (минг, юз, қирк, жалоир, найман, қипчоқ, қтой, орлот, тама, аргун, манғит, кенагас, катағон, буркут ва б.) қавмлари Мовароуннаҳр худудларига кириб келадилар. Уларнинг сони Дашти Қипчоқ худудларида яшаётган қавмларнинг умумий сонидан тахминан $\frac{1}{4}$ қисмини ташкил этган [7:22]. Ушбу қавмлар сабаб маҳаллий халқларда монголоид ирки кўринишлари кўпайди, лекин, европеоид ирқиқа мансуб халқлар аксар кўпчилиқни ташкил этган.

Айрим рус манбаларида (учебник по истории СССР) ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи XV асрда Дашти Қипчоқ ўзбекларининг Ўрта Осиё худудига кириб келиши ва XVI асрда Шайбонийхоннинг ушбу худудларни эгаллаши билан бошланиши ҳақидаги хато фикрлар мавжуд эди. Илмий тадқиқотлар олиб борилиши натижасида ўзбек халқининг қадимги тарихга эга эканлиги исботланди. Хусусан, профессор А. Ю. Якубовский " К вопросу об этногенезе узбекского народа" номли асарида бир неча фактлар асосида буни исботлаб берди. Тадқиқотчи олим кўчманчи ўзбеклар бугунги Ўзбекистон худудларига кириб келган вақтларида бу ерда қадимдан маданий ҳаёт кечириб келётган, ниҳоятда зич жойлашган туркий тилли халқларга дуч келганлиқлари ҳақида айтади. Кўчманчи ўзбеклар ушбу туркий тилли халқларга сўнгги бўғин сифатида кўшилиб ўз номларини берганлиқларини [8:3] таъкидлайди.

XVII аср охири-XVIII аср бошларига келганда, Фарғона худуди аҳолиси мураккаб этник таркибга эга бўлиб, аҳолининг асосий қисмини турли худудларда яшаган ўзбеклар ташкил қилган. Булар асосан туркийзабон ва форсийзабон аҳолининг ассимиляцияси натижасида шаклланган ўтроқ, кўчманчи ва ярим кўчманчи "сарт"лар, турк-мўғул уруғларидан ташкил топган туркийлар ва Муҳаммад Шайбонийхон билан бирга Дашти Қипчоқ худудидан кириб келган уруғларни ташкил этган.

Тарихчи олим У. С. Абдуллаев туркий уруғларни Фарғона худуди аҳолиси этник таркибидаги асосий қатламлардан бири деб ҳисоблайди. Улар Марказий Осиё, хусусан Фарғона водийси худудида қадим замонлардан бери яшаб, доимий равишда турғунлашиб, маҳаллий халқлар билан этногенетик ва маданий алоқаларда бўлиб келганлигини айтади [9:47].

Андижон худудларида ҳам "турк"ларнинг қатор майда қавмлари мавжуд бўлиб, барлос қабиласига тегишли туркитуғён, сутхўр, япалоқбош, супанлик, ёртонлар, кистокўз, мирзалор, палаватўпи ва молтўпи каби туркларнинг майда бўлақлари қайд этилганлигини,

туркларнинг катта бир гуруҳи Хўжанд шаҳри теварагида жойлашган Ўратепада ҳам яшаганлиги, ва туркларнинг асосан Фарғона худудининг жанубий-шарқий томонларига келиб жойлашганликлари [9:49] ҳақида маълумот беради.

Дашти Қипчоқ худудидан кириб келган уруғлар тўғрисида Т. И. Султановнинг “Кочевые племена приаралья в XV-XVIII вв.” номли асарида маълумотлар мавжуд. Ушбу маълумотларга асосан бир неча манбалар (манба муаллифлари аксарият ўша даврда яшаганлар ва ҳатто айримлари бу жараёнларда иштирок этганлар) шуни кўрсатадики Шайбонийхон кўшинидаги Дашти Қипчоқ кўчманчиларининг сони 40-60 мингтани ташкил этган [7:21]. Агар ушбу отлик аскарлар оилалари билан биргаликда келган деб ҳисобласак, бир оила ўртача 6 кишидан иборат бўлганда, дашт худудидан кўчиб келганларнинг сони XVI асрнинг биринчи 10 йиллиги охирига келиб 240-360 минг кишини ташкил этиши мумкин.

Тарихчи олим Т. И. Султанов ёзувчи Муҳаммад Ҳайдарнинг маълумотига таяниб буни Дашти Қипчоқ халқларининг кўчиши деб айтилмаслигини айтади, чунки ўша даврда козоқ хони Қосим кўл остида бир миллион кўчманчи бўлганлигини, бундан келиб чиқадики, Ўзбек улусининг аҳолиси Икки дарё оралиғига кўчиб келишидан олдин 1 миллион 240-1 миллион 360 мингга ташкил этганлигини айтиб ўтади [7:21].

Муҳаммад Яҳёхон Хўқандийнинг “Хўқанди латиф маноқиб” асарида Бобо Урганжий даҳмалари тўғрисида маълумот келтирилиб, шу номдаги қабилаларнинг худуд бўйлаб жойлашувига оид қизиқарли фактлар айтилади [10:562]. Унга кўра, XIII асрнинг йигирманчи йилларида Хоразм мўғуллар томонидан истило қилиниб, унинг пойтахти Урганж вайрон этилгач, шаҳарга асос солган Урганжий қабиласининг бир қисми Фарғона водийсига кўчиб келади. Бугунги кундаги (2021 йил) Урганжибоғ маҳалласи худудидаги бу қадимий даҳма XVIII асрда ҳам бўлганлиги айрим ер-мулк ҳужжатларида қайд этилган [10:562].

Бундан келиб чиқадики, аҳоли нафақат бошқа худудлардан, балки мамлакат ичида ҳам кўчиб юрган. Бунга сабаб маиший турмуш учун қулай шарт-шароит излаш ёки тинч ҳаёт кечиришга сиёсий жараёнлар йўл қўймаслигидир.

XVIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр, жумладан, Фарғона худудларига, асосан қипчоқлар ва қалмиқлардан ташкил топган кўчманчи аҳоли келиб жойлашганлиги ҳақида “Анжум ат-таворих” [11:309] асаридан билиб олишимиз мумкин. Тарихчи олим Карим Шониёзовнинг ёзишича Дашти Қипчоқ худудларидан Мовароуннаҳр худудларига кириб келган этносларнинг ичида энг кўп сонлиси қипчоқлар бўлиб, XVIII аср охири-XIX аср бошларига келганда уларнинг умумий сони 270 мингга [3:414] ташкил этган. Ниёз Муҳаммаднинг “Ибратул хавоқин” асарида [12:404] ҳам қипчоқлар туркий халқларнинг энг йирик қабилаларидан бири ҳисобланиб, XVIII асрнинг 20-30-йилларида Шимолий Фарғонанинг тоғ олди минтақаларига келиб ўрнашганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Мовароуннаҳр ҳудудига келиб ўрнашган қипчоқлар кўчманчилик анъаналарига ва уруғ-қабилачилик тартибларига риоя қилганлар. Уларнинг турмуш тарзи ҳам кўчманчилик ҳаётига мослашган [3:411]. Қипчоқларнинг ўзбек ва қирғизлар билан қўшилиб кетиши XIX аср охири–XX аср бошларида анча жадал кечганлигини статистик маълумотлардан билиб олишимиз мумкин [13:11].

Исҳоқхон Тўра Ибротнинг “Тарихи Фарғона” асарида ёзилишича, Фарғона аҳолиси аксарият ўзбек, сарт, тожик, қорақалпоқ, қипчоқлардан иборат бўлиб тоғ тарафларида қирғизлар истиқомат қилганлар. Ажнабийлардан яҳудийлар, хиндлар, форс, арман, грузин ва бошқалар тижорат билан шуғулланиб яшаб келганлар [14:6].

Ушбу асарда яна сартлар ва ўзбеклар доимо қирғиз ва қипчоқларга қарши курашиб келганликлари [14:21] ҳақида маълумотлар мавжуд.

Рус сайёҳи ва тадқиқотчиси В. Наливкиннинг “Краткая история Кокандского ханства” номли асарида Фарғона ҳудудида яшайдиган аҳоли тўғрисида қуйидаги маълумотлар келтирилган:

Фарғонанинг тоғли ҳудудларида қирғизлар, тўғрироғи кўчманчи ва ярим кўчманчи ўзбек уруғлари: қирғиз, вағиш, найман, моғол, турк, қирқ ва бошқалар олдиндан яшаб келганлар.

Водийнинг ўрта ва қуйи қисмида жойлашган шаҳар ва қишлоқларда эса сарт деб номланувчи ўтроқ аҳоли истиқомат қилган. Уларга оз миқдорда хиндлар, лўлилар ва яҳудийлар келиб қўшилган.

XVII аср охири–XVIII аср бошларида Фарғонанинг ғарбий қисмидаги шаҳар ва қишлоқларида келиб чиқиши эронлардан бўлган тожиклар (будпарастлар) истиқомат қилганлар. Маълумотларга кўра, ўша даврларда Андижон туркийлар (салжук), туркийларнинг айнан анди уруғи томонидан эгалланиб бўлинган, шунга кўра Андижон номи келиб чиққан дейилади [15:6]. XIX асрнинг 2-ярмида эса Ўрта Осиёга сайёҳат қилган америкалик тадқиқотчи, дипломат Южин Скайлер эса Анди халқини Чимкент ва Авлиёота орасидаги иккинчи почта бекати–Машҳад ва унга кўшни яна учта қишлоқда истиқомат қилишларини айтади. Улар туркий лаҳжада сўзлашиб, аёллари очиқ юришларига рухсат берилган, бир-бирлари билангина ўзаро никоҳдан ўтишган ва ўзларини Анди деб аташларини хохламасликларидан, афтидан келиб чиқишидан ор қилишади [16:82] деб маълумот беради.

Ўзбеклар Фарғонага турли ҳудудлардан кириб келганлар, масалан, қипчоқлар ғарбий чегарадан, қирғиз, бағиш уруғлари шарқий ҳудуддан; ушбу уруғнинг йўлда қолган қисми бугунги кунгача Қошғарнинг шимоли–ғарбий қирғоғида истиқомат қилади, Фарғонага кирган қисми эса Олойни эгаллаб Лайлаккача бўлган ҳудудларга ёйилганлар [15:13]. Натижада (XVI асрнинг 2-ярмида) Олой бағишларининг бир қисми (уруғлар: чун-бағиш, бағрин-бағиш, қтой, чут-қора ва бошқалар) ва қирғизлар Наманган уездига кўчиб ўтганлар.

Олимнинг яна хабар беришича, ўзбеклар Фарғонага Ўратепа ва Тошкентдан (ҳижрий XI асрда) келганлар, тожиклар эса Қоратегин ва Хисордан келиб ўрнашганлар ва бу ҳолат ўлка ҳаётида улкан аҳамиятга эга бўлган [15:12].

Арминий Вамберининг "Путешествие по Средней Азии" номли асарида Қўқон хонлиги ҳудудида яшаган халқлар тўғрисида ҳам баъзи маълумотлар мавжуд. Унинг айтишича, шаҳарлар сони ва бошқа кўрсаткичларга асосланиб, хонлик аҳолисини 3 миллиондан ортиқ деб белгилаш мумкин [17:204].

Вамберининг айтишича, ўзбеклар-асли ўтроқ аҳоли ҳисобланиб, Бухоро ва Хива ўзбекларидан анчагина фарқ қилганлар. Ўзбеклар Туркистонда бир неча асрлардан буён ҳукмронлик қилаётгани, бошқа халқларга нисбатан ислом дини ва цивилизациясини олдинроқ қабул қилгани учун "ўзбек" номи айtilганда доимо билимли, одобли деган фикрлар хаёлга келади [17:204]. Шунинг учун қирғизлар, қипчоқлар, қалмиқлар шаҳарга хали яхши ўрнашиб олмасданок ўз номларидан воз кечиб ўзларини ўзбек деб атаётганлар.

Америкалик тадқиқотчи олим Южин Скайлер ўзбекларнинг ташқи кўринишига доир бироз маълумот бериб ўтади. Унинг ёзишича, ўзбеклар-узун бўйли, озғин, сийрак соқолли, кенг ва қатъий юзли ҳисобланиб, юриш-туриши ва кийиниши оддий бўлган [16:79].

Вамбери ўз асарида тожиклар тўғрисида ҳам баъзи маълумотларни айтиб ўтади. Унга кўра, Фарғона тожиклари сони Бухоро тожикларидан кўп бўлмаган. Феъл атвори жиҳатидан Қўқон тожиклари Бухоро тожикларидан анча яхши бўлганлар. Уларнинг сўзлашув тили грамматик жиҳатдан, сўз бойлиги бўйича бошқа тожиклардан анча юқори бўлган [17:204] деб айтиб ўтади.

Америкалик тадқиқотчи, дипломат ва сайёҳ Южин Скайлер эса ўзининг "Туркистон" номли асарида тожикларни ташқи кўринишига эътиборли, зеб-зийнатга мойил деб айтади. Ва яна тожиклар ўзбеклар сингари ўз уруғи билан фахрланмай, камдан-кам ҳолларда тожик эканлигини айтишади дейди олим [16:79].

Қозоқлар-хонликдаги энг кўп сонли халқ бўлиб, улар тоғли ҳудудларда, Чағанок ва Тошкент кўллари ўртасида кўчманчи ҳаёт кечирганлар, хонга Хивадаги қозоқлар сингари солиқ тўлаб турганлар [17:204]. Умархон ҳукмронлиги даврида Дашти Қипчоқ ҳудудининг бир қисми хонлик таркибига кўшиб олиниши натижасида бу ерда яшовчи қозоқлар маҳаллий халқлар этник таркибини бойитганлар [18:418].

Қирғизлар ўта жанговар бўлганлари учун сиёсий кучлар улардан доимий фойдаланганлар. Улар овулларининг сони 50 мингга ташкил қилган [17:205]. Қирғизлар XVI асрдаёқ Фарғона ҳудудларини ўзлаштира бошлаганлар. Дастлаб қалмиқлар сиқуви остида кириб келганлар, кейинчалик Еттисув, Авлиёота, Талас, Қошғар, Олой, Қоратегин ҳудудларидан кўчиб ўта бошлаганлар [18:418].

Арминий Вамбери ўз асарида қипчоқлар хусусида ҳам тўхталиб ўтган. Қипчоқлар Комулдан Адриатика денгизигача бўлган ҳудудларни эгаллаган қабилалар ичида ўз миллатига содиқ қолган, юз тузилиши, феъл атвори, тили ва урф одатларини сақлаб қолган уруғ хисобланган. Юз тузилиши қисик кўзли, иягида соқоли йўқ, жағ қисми туртиб чиққанлиги билан мўғулларга ўхшайди, бўйи кичик лекин ўта чаққон [17:205] дейди.

Қипчоқларнинг Фарғона водийсида пайдо бўлиши ҳақида турли фикрлар билдирилади. Бир гуруҳ тадқиқотчилар бу ерда улар XVI аср бошларида Шайбонийхон қўшинлари таркибида кириб келганлигини таъкидласа, В. П. Наливкин қипчоқларнинг катта қисми Фарғонага XVII асрда келиб ўрнашган деб ҳисоблайди [15:17]. К. Ш. Шониёзов қипчоқларнинг Фарғона водийси ҳудудига келиб жойлашишини XVIII аср 20-йилларининг охири - 30-йилларнинг боши билан боғлайди. Унинг айтишича, қалмиқлар таъқибидан қочган қипчоқларнинг катта гуруҳи айнан шу даврда Шимолий Фарғонанинг тоғли ва тоғолди ҳудудларига келиб ўрнашганлар [3:417].

“Туркестанские ведомости” газетасининг 1871 йил 41-сонида ўзбекларнинг қорақалпоқ уруғлари ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган:

“Қорақалпоқларнинг гапига қараганда улар аввал Хива хонлигида, Урганчда истиқомат қилганлар. Бундан 200 йил аввал ўзини Чингизхоннинг авлоди ҳисоблаган уруғ катталари Урганч хоқими Ниёз билан келишмай қолишиб Хива ҳудудларини ташлаб Оқмачитга келишади ва у ердан: Туркистон, Чимкент, Чиноз, Тошкент, Жиззах ва 100 йилча олдин Зарафшон бўйларига келиб ўрнашганлар” [19:2] дейди.

Мазкур газетанинг 1871 йил 2-сонида ўзбекларнинг минг уруғи ҳақида баъзи маълумотлар мавжуд. Унга кўра, ўзбекларнинг бу уруғи Ўрта Осиёга шимолий ҳудудлардан Чингизхон истилосигача бўлган даврларда кириб келган ва Сирдарё ҳудудларида ўрнашиб, кўчманчи ҳаёт кечирган [20:10].

Фарғона ҳудудида истиқомат қилган минг уруғи яхши ҳаёт турмуш тарзини кечириб хожалар ва тасаввуф тариқати вакиллари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатганлар. Минг уруғидан бўлган Чамашбий XVI асрда Мовароуннаҳрдаги накшбандия тариқатининг буюк намояндаси бўлмиш Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийга мурид бўлганлиги, Мавлоно Лутфуллоҳ минг уруғи вакили Чамашбийнинг белига камар боғлаб дуо қилгани ва бу уруғ вакиллари келажакда тахтга ўтириб, ҳукмдорлик қилиши хусусида тарихчи олим Ш. Махмудов [21:31] маҳаллий тарихчилар асарларига таянган ҳолда ўз тадқиқотида айтиб ўтади.

Америкалик тадқиқотчи, дипломат, сайёҳ Ю. Скайлер мингларни Ургут ва Самарқанднинг жануби-шаркидаги тоғларда истиқомат қилишлари ҳақида ўзининг “Туркистон” номли асарида қайд этиб ўтади [16:79].

Аслида минглар келиб чиқиши бир уруғдан бўлган 3та алоҳида мустақил қабилалардир: қирқ, юз, минг. Ўша даврларда минглар шу даражада кўп бўлганки уларни фақат мингликда санаш мумкин бўлган [20:10].

Юзлар ҳам Фарғона водийсида яшаган йирик туркий тилли ўзбек қабилаларидан бири ҳисобланган. Уларнинг асосий қисми дастлаб водий ҳудудига туташ бўлган Зомин, Хўжанд ва Ўратепада яшаганлар, Зарафшон ва Жиззахда ҳам истиқомат қилганлар [22:511]. Кейинчалик эса, бутун Фарғона ҳудудлари бўйлаб тарқалганлар. Бугунги кунда Фарғона водийсининг кўплаб жойларида юз, юзлар деб номланувчи қишлоқларнинг борлиги бунинг яққол исботидир.

Юзлар бир неча қисмга ажралган бўлиб, водий ҳудудида уларнинг марка, қорапчи ва қирқ деб номланувчи бўлинмалари мавжуд бўлган ва одатда улар марка-юз, қарапчи-юз ва қирқ-юз этнонимлари билан аталганлар [23:83-84].

Манбаларни ўрганишда унинг яратилиш даврига алоҳида аҳамият беришимиз зарур, масалан, Чор Россияси ҳукмронлик қилган йилларидаги даврий нашрлардан бири "Туркестанские ведомости" газетасининг 1871 йил 29-сонида ўзбекларни Ўрта Осиёнинг турли бурчакларидан келиб қолган халқлар, улар Ўрта Осиёда яшовчи бошқа халқлар билан аралашиб кетганидан юз тузилиши ўзгарган ва ҳозирда қирғиздан фарқ қилади дейилади [24:1]. Албатта, бу маълумотлар ҳақиқатдан анча йироқ эканлигини тарихдан яхши биламиз. Яна ушбу нашрда қуйидаги маълумотлар берилган: "Ўзбек уруғларига тўхталадиган бўлсак, Ханьков айтишича уларнинг сони 97та бўлган, лекин Борнс ва Вамбери берган маълумотларга кўра ўзбек уруғларининг сони 32 тадан ошмаган" [24:2] дейилади.

Юқоридаги маълумотларни орада 7 йил фарқ билан чоп этилган яна бир даврий нашр маълумотлари билан солиштирадиган бўлсак, "Туркестанский сборник" [22:510] тўпламининг 116-сонида "Ўзбекларнинг 92 уруғи" рукни остида жадвал берилган бўлиб, унда уруғларнинг номлари ва яшаш ҳудудлари аниқ кўрсатиб берилганини гувоҳи бўламиз.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Фарғонанинг шимолий, шарқий ҳудудларини қирғизлар эгаллаган, маркази, шарқи ва жануби шарқига қипчоқлар келиб жойлашган, тоғли ҳудудларида қирғизлар, тўғрироғи кўчманчи ва ярим кўчманчи ўзбек уруғларидан: қирғиз, вағиш, найман, моғол, турк, қирқ ва бошқалар олдиндан яшаб келганлар, жанубдаги тоғли ҳудудларини эса тожиклар эгаллаганлар. Водийнинг ўрта ва қуйи қисмида жойлашган шаҳар ва қишлоқларда эса сарт деб номланувчи ўтроқ аҳоли истиқомат қилган. Қозоқлар тоғли ҳудудларда, Чағаноқ ва Тошкент кўллари ўртасида кўчманчи ҳаёт кечирганлар. Қорақалпоқлар Хива ҳудудларини ташлаб Оқмачитга келишади ва у ердан: Туркистон, Чимкент, Чиноз, Тошкентга келиб ўрнашганлар. Минглар Ўратепа ва Жиззахдан жануб томон, тоғлар оша Самарқанд ва ундан нари, шу йўналишда Балх ва Қундуз ҳудудларида кенг тарқалганлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жабборов И. Ўзбеклар. Тошкент, "Шарқ". 2008.
2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, "Шарқ". 2001.
3. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент, "Шарқ". 2001.
4. Анарбаев А., Сайфуллаев Б., Саидов М. Археологические исследования в г. Коканде и его окрестностях. Самарканд, 2014.
5. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Тошкент, "Ўқитувчи". 1994.
6. Аскарлов А. История происхождения узбекского народа. Ташкент, «Узбекистан». 2018.
7. Султанов Т. И. Кочевые племена приаралья в XV-XVIII вв. Москва, "Наука". 1982 год.
8. Якубовский А. Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. Ташкент, "УзФан". 1941.
9. Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. Дисс. Тошкент, 2006.
10. Муҳаммад Яхёхон Хўқандий. Хўқанди латиф манокби. Тошкент, "Мовароуннахр". 2018 й.
11. Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Тошкент: Фан ва технология, 2014.
12. Ниёз Муҳаммад Хўқандий. Ибратул хавоқин. Тошкент: Турон замин зиё, 2014.
13. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент, Давлат илмий нашриёти. 2005. 11 том.
14. Нашрга тайёрловчи У. Долимов, Н. Жабборов. Исҳоқхон Тўра Ибрат. "Тарихи Фарғона". Тошкент, "Маънавият", 2005 йил.
15. В. Наливкин. Краткая история Кокандского ханства. Казань, Типография Императорского Университета. 1886.
16. Скайлер Южин. Туркистон. Тошкент, "Ўзбекистон". 2019 й.
17. Арминий Вамбери. Путешествие по Средней Азии. Российская академия наук Институт востоковедения.
18. Ред. Колл. История Узбекистана (XVI-первая половина XIX века). Монография. Ташкент, "Фан". 2012.
19. Туркестанские ведомости. Ташкент, Типография Окружного Штаба. 1871г. №41.
20. Туркестанские ведомости. Ташкент, Типография Окружного Штаба. 1871 г. №2.
21. Махмудов Ш. Кўқон хонлигининг маъмурий-бошқарув тизими (1709-1876йй.). Тарих фан.номз.дисс.Тошкент, 2007.
22. Межов В. И. Туркестанский сборник. Санкт-Петербург: 1878.- Т. 116,
23. Дониёров А. Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Тошкент, 1968йй.
24. Туркестанские ведомости. Ташкент, Типография Окружного Штаба. 1871г. №29.